



Болалар мини футбол, очик чумилиш сув ҳавзаси ва волейбол, баскетбол майдончалари мажмуаси қуришга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектлари қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 мартдаги 01-07/1-113-сон билан тасдиқланган болалар футбол майдончалари қурилиши ҳақидаги баённомаси Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини, Каттақўргон шаҳар Тошкент кўчаси 45 ўйда яшовчи фуқаро Мухаммадиева Сайёра Худайбердиевнанинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН :

1. Каттақўргон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўргон шаҳар Тошкент кўчаси 45 ўйда яшовчи фуқаро Мухаммадиева Сайёра Худайбердиевнага У.Барноев кўчаси атрофида бўш турган 2 га ер майдонида “Болалар мини футбол, очик чумилиш сув ҳавзаси ва волейбол, баскетбол майдончалари мажмуаси” қуриш ҳамда атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
3. Каттақўргон шаҳар Тошкент кўчаси 45 ўйда яшовчи фуқаро Мухаммадиева Сайёра Худайбердиевнага белгиланган тартибда келишилган лойиҳа смета ҳужжатлари асосида қуриш учун ҳужжатларини расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор объектини қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
5. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”да курсатилган 3 йил муддат ичида фуқаро Мухаммадиевга Сайёра Худайбердиевна томонидан ишлар амалга оширилмаса ушбу қарор бекор қилинсин.
6. Ерни натура тарзида жойида улчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда тасдиқланган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўргон шаҳар “Ермулккадастр” давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
7. Белгиланган тартибда солиқ ва бошқа тўловларни ўндириш шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (М.Жураев) зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж.Раҳмонов